

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари –
Харид комиссияси раиси**



Д. Каттаханова

Ёш хотин-қизлар ҳуқуқларининг чекланиши ва оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилган видеомаҳсулотни тайёрлаш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ҲУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

III. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлик номи: Ёш хотин-қизлар ҳуқуқларининг чекланиши ва оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилган видеомаҳсулотни тайёрлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.

1.3. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва ишларни бажариш бўйича энг яхши таклиф: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аникланади.

1.4. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг максимал нархи: ҚҚС билан **340 000 000 (Уч юз қирк миллион) сўм.**

1.5. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажариш муддати: **30 кун.**

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

2. Техник талаблар

2.1. Ёш хотин-қизлар ҳуқуқларининг чекланиши ва оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилган видеомаҳсулотни тайёрлаш юзасидан техник вазифа:

Тасвирга сифат бўйича талаблар: 16:9 форматда 20 bitrate Full HD (1920x1080) ёки 4K (3840x2160);

Видеодаги овоз бўйича талаблар: 320кбс stereo AAC форматдаги сифатда;

Видеолар сони: 1 та;

Видео давомийлиги: 90 дақиқа;

Жанр: ҳужжатли фильм;

Мавзу: Ёш хотин-қизлар ҳуқуқларининг чекланиши ва оилавий ажралишларнинг олдини олишга бағишланган таъсирчан ҳужжатли фильм;

Видео маҳсулотнинг ишчи тили ўзбек тили бўлиб, қўшимча равишда рус тилида субтитрлар жойлаштирилиши талаб этилади;

Ҳужжатли фильм сценарийси олдиндан Буюртмачига тасдиқлаб олинishi талаб этилади.

Ҳужжатли фильмда интервью, сахналаштирилган воқеалар (фильм қахрамони томонидан сўзлаб берилган воқеалар профессионал актёрлар ижросида жонлантирилади), очеркдан фойдаланилиши керак.

Ишлаб чиқарувчи ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб қилувчи (Президентнинг 5 муҳим ташаббуси, ёшлар тадбиркорлиги, бандлик) ҳамда ижтимоий (Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва ногиронлиги бўлган ёшлар ҳаёти) каби медиа маҳсулотлар тайёрлаш бўйича тажрибага эга бўлиши, ишлаб чиқарувчи томонидан яратилган маҳсулотлар республиканинг марказий телеканаллари орқали эфирга узатилган бўлиши лозим.

Роликлар қуйидаги техник ускуналарда тасвирга олинishi талаб этилади:

RED DRAGON (Кинокамера);

Кино оптика 15мм, 24мм, 35мм, 50мм, 135мм;

Релс Тележка (PANTHER);

Оператор крани 12 м;

Steadicam;

Дрон;

Монтаж (профессионал, рангли коррекция, VFX графика).

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчиларда тасвирга олиш ускуналари ва мутахассислар бўлиши талаб этилади.

Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар: Видео маҳсулотни яратишнинг барча босқичларида маҳсулотни Яратувчи амалдаги конунчиликка амал қилган ҳолда видео маҳсулотдаги тасвирлар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, мусикалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Сиз тақдим этган видео маҳсулотда муаллифлик ҳуқуқлари

бузилган ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда видео маҳсулот Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошланғич қисмида Буюртмачининг логосини жойлаштириши талаб этилади.

Шу билан биргаликда ишлаб чиқилган видео маҳсулот ишлаб чиқувчининг муаллифлик ижодий мулки ҳисобланиб, тасдиқдан ўтган тақдирда эркин тарқатиш ва фойдаланиш имкониятига эга.

Маҳсулотни ишлаб чиқилиши жараёнига белгиланган муддат: 30 кун.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчи Буюртмачининг тасдиқлашидан кейингина интернет тармоғига жойлаштиришга руҳсат берилади.

Видео маҳсулот ишлаб чиқувчи жамоадан вакил буюртмачи томон билан доимо алоқада бўлиши ва жараёнлардан хабардор қилиб туриши тавсия этилади.